

Меҳнат жамоасининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юридик ҳужжат - жамоа шартномаси муҳим ўрин эгаллаб, ишловчиларнинг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоялашда катта аҳамият касб этади.

Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳрининг кўпгина корхоналарида жамоа шартномасини қабул қилишга бағишланган конференциялар бўлиб ўтмоқда. Ҳуқуқий, демократик давлат ва фуқаролар жамоияти шаклланаётган пайтда ҳар бир киши ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини, мажбуриятларини тўлиқ билиб олиши лозимлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Корхоналардаги ишчи-хизматчиларнинг жамоа шартномасига нисбатан жиддий муносабатда бўлаётгани эътиборга лойиқдир. Корхона, ташкилот, муассасаларда қонун доирасида ва иқтисодий имкониятлардан келиб чиқиб, меҳнаткашларга баҳоли қудрат турли имтиёзлар, энгилликлар яратиб беришга, уларнинг мушуқлини осон қилишга ҳаракат қилинмоқда.

Савдо, умумий оқватланиш, матлубот кооперацияси ва турли шаклдаги тадбиркорлик ходимлари касба уюшма шаҳар кўмитаси касба уюшма хизматидаги «Озиқа» фирмасида ходимларнинг саломатлигини сақлаш, соғломлаштириш масалаларида қатор ишлар амалга оширилиб, келгусида янги режаларни қўзғалмоқда. Мазкур меҳнат жамоасидаги аёлларнинг соғлиғини мунтазам назорат қилиш, уларни даволаш учун шифо масканлари ҳисоб рақамига пул ўтказилган. Корхона аёлларининг соғлиғини мустаҳкамлаш мақсадида со-

хона ҳисобидан касба уюшмаси ҳисобига пул маблағи ўтказиш умумий маош фонднинг 1,5 фоизини ташкил қилади. Ишчи-хизматчиларни 50,55,60 ёшга тўлганда корхона ҳисобидан бир йўла 5000 сўм миқдорда моддий рағбатлантириш йўлга қўйилди.

Корхонада иш стажини беш йилдан кам бўлмаган ишчи-хизматчилар шифонада пуллик даволанса, корхона раҳбари ва касба уюшма кўмитасининг тавсиясига асосан уларга

соғломлаштириш учун бола-ча оромгоҳларига бепул йўлланма бериш белгиланган. Шу йилдан эътиборан иш стажини 30,35,40 йил бўлган ишчи-хизматчиларга корхона бир йўла 10.000 сўм миқдорда мукофот ажратади. Хусусий уйларида яшовчи ишчи-хизматчилар ичимлик суви, канализация тўловидан озод қилинган.

Меҳнат аҳлини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг оғирини энгил қилишга амалга оширилган ушбу тадбирлар му-

лиги ҳам шунга яраша ўсиб бормоқда. Иш ҳақи кечиктирилмасдан ўз вақтида берилаяпти. Барча ходимларга меҳнат таътилига чиқаётганда, қишқик мавсум учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олишда моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Мустақил байрами муносабати билан аёллар 4500 сўм, бошқа ишчи-хизматчилар эса 4000 сўм миқдордаги пул мукофотлари билан рағбатлантирилди. Жамоа шартномасига биноан ҳар бир ходимга 6 кундан 15

дигар. Шунингдек, корхонада бир йил мобайнида ишлаб меҳнат таътилига чиқаётган ходимга ва корхонада фаолият кўрсатиб, ҳозирда кесалик гашишни сураётган пенсионерларга белгиланган миқдорда моддий ёрдам берилди.

Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда замонавий технологияни жорий этиш, ишчиларнинг малакасини ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Утган йилда корхонада ходимларнинг кўникма ва малакасини ошириш, уларни ўқитиш ва қайта тайёрлашга жиддий эътибор қаратилиб, муҳим йўналишлар бўйича 100 нафарга яқин ходим қайта тайёргарликдан ўтди. Хорижий мамлакатларнинг тажрибаларидан баҳраманд бўлиш мақсадида хизмат сафарига борган мутахассисларнинг ҳисоботлари тингланди, замон билан ҳамнафас бўлиш мақсадида сайёҳлик ва ҳаракат қилинмоқда.

Корхонада маданий-тарбиявий, оммавий спорт ишлари, ишлаб чиқаришдаги маиший шароитни яхшилаш борасида ҳам қатор ижобий ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, корхона меҳнаткашлари фарзандларининг 100 фоизи мактабга тарбия муассасаларига жойлаштирилган бўлиб, ишчилар бу қийматнинг 50 фоизини тўлайдилар, холос.

Уллубек ПУЛАТОВ.

«Ишонч»га келган мактублардан
САНАТОРИЙГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

Жиззахда яхши анъана таркиб топган. Яъни, ҳар йили вилоят меҳнаткашларининг вакиллари жамлаб дам олдириш учун республика санаторийларига кузатиш йўлга қўйилган. Бу ҳол фуқароларнинг ўз иқтисодий аҳволига қараб, йил-ўн икки ой хоҳлаган санаторийларига боришини сираям чекламайди.

Яқинда 120 нафар дондор пахтакорлар, чорвадорлар, ғаллакорлар, соҳибкорлар, боғбонлар, фермерлар ва хусусий тадбиркорлар вилоят ҳокимлиги биноси олдида юмшоқ ўриндикли автобусларда Тошкент вилоятидаги «Ибн Сино», «Бўстон» санаторийларига жўнаб кетишди. Дам олувчиларга йўлланмалар вилоят касба уюшмалари Кенгаши томонидан бепул берилди. Кўрсатилган бу гамхўрликдан дам олувчилар гоят хурсанд бўлишди.

Дам олувчиларни кузатиш пайтида вилоят ҳокимлиги масъул раҳбарлари ҳамда вилоят касба уюшмалари Кенгашининг раиси Қ. Рафиқов ҳозир бўлидилар.

НОГИРОНГА ҚЎШИМЧА ПЕНСИЯ

Қаршибой Донабоев Ғаллаорол туманидаги Ғафур Фулом номи хўжалик ишлаб чиқаришига муносиб ҳисса қўшганлардан. У хўжаликнинг «Жарбулоқ» қишлоғида туғилиб, шу ерда вояга етди. Қишлоқ атрофидаги кенг яйловларда қўй боқди. Гўшт ва жун етиштириб

Ғафур Фулом номи хўжалик иқтисодини ўстиришга ўз ҳиссасини қўшди. Сўнгра солиғи биров ёмонлашгач, қишлоқ почталонлиги вазирасида роппа-роса ўн йил ишлади. Кейин тўшаққа миҳлибди қолди. ВТЭК комиссияси уни 1-гурӯх ногирони, деб топди. Яқинда туман почта хиссасдорлик жамоияти жамоаси ва бошланғич касба уюшма ташкилоти ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш дастурига асосланиб 1-Ғафур Фулом номи хўжалик иқтисодини ўстиришга ўз ҳиссасини қўшди. Сўнгра солиғи биров ёмонлашгач, қишлоқ почталонлиги вазирасида роппа-роса

Алибой ЭРГАШЕВ.

НАФАҚАДАГИ ФАРҚНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?

1991 йилдан меҳнат нафақаси оламан. Охириги иш жойим - Яккабоғ «Сувқурилиш» кўча механизациялашган жамланмасидан 1985-1989 йиллар бўйича иш ҳақим тўғрисида маълумотнома олиб, 4890 сўм билан пенсияга чиққанман.

Лекин нафақанингда жуда озлиги кейинчалик маълум бўлди. Шундан сўнг туман ижтимоий таъминот бўлими инспектори Бекназар Бердиев ва идора бошлиғига бир неча марта мурожаат этдим. Уларнинг: «Албатта кўпайтирамиз» деган ваъдаларига ишониб юравердим. Шу орада таъминот бўлимида Б.Бердиевнинг ўғли - Баҳриддин инспектор бўлди. У ҳам ваъда беришдан нарига ўтмади. Ҳаш-паш дегунча орадан 8,5 йил ўтиб кетди.

Хуллас, тортишиш, баҳслашишдан чарчамадим. Шундан сўнггина делода иш ҳақингиз ҳақида ҳеч қандай маълумотнома йўқ, қайтадан олиб келинг, дейишди. Дастлаб олган маълумотномамни яна янгилаб, келтириб берганимдан кейин улар менга 5397 сўм нафақа чиқаришди. Дастлабкиси 4890 сўм эди. Президент Фармонига мувофиқ яна бир марта кўпайгач энди 7581 сўм олмақдаман.

Энди адолатли савол, агар деломда ўрта ҳисобда 5 йиллик берган маълумотнома бўлмаса, унда туман ижтимоий таъминот бўлимидаги раҳбар 8,5 йил мобайнида менга нимага асосланиб нафақа тўлашди экан? Ҳўш, менга ўтган вақт мобайнида олиб келган нафақаларим фарқини ким тўлайди?

Замон РАҲМОНОВ,
Яккабоғ тумани,
«Яккабоғ» кўргони,
Олмазор кўчаси, 87-уй.

БИЗГА ҲАМ БИР ҚИЁ БОКИНГ...

Республикада шундай меҳр-оқибати, саховатли инсонлар борлигига шубҳам йўқ. Бизнинг Яккабоғ туманидаги Амир Темуэр номи жамоа хўжалигининг «Тўртоғайни» қишлоғида ҳам бизнинг логимизда ҳам кам таъминланган оилалар ва ногиронлар йўқ эмас. Бироқ, уларга хўжалик бошқаруви, касба уюшма кўмитаси, қишлоқ фуқаролар йигини ва бошқа кичик корхоналар ўғай кўз билан қарашяпти. Жуда бўлмаганда хоҳадиларга бориб, оила аъзоларини маънавий қўллаш, бир оғиз ширин сўз билан кўнглини кўтариш мумкин. Масалан, менинг оиламда 2-гурӯх икки нафар но-

Ойдин ЖУМАЕВА.

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ
унда меҳнаткашларга қандай имтиёзлар бор?

матчиларнинг маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан камол топишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Фирма ходимларидан ташкил топган футбол жамоаси тармоқ касба уюшма шаҳар кўмитасининг соврини учун минифутбол бўйича баҳсларда уч йилдан буён голибликни қўлдан бермай келмоқда.

«Сувсоз» трести йирик меҳнат жамоаларидан бўлиб, ишловчиларнинг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ибратли ишларни амалга ошираётди. Жамоа шартномасига қатор имтиёзлар киритилгани фикримиз тасдиғидир.

Ижтимоий масалаларни ҳал қилиш мақсадида кор-

харажат пулини имкониятга қараб тўлаш режалаштирилган. Шунингдек, «2000 йил» Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши муносабати билан умумхалқ байрами «Наврўз» айёмида кам таъминланган оилалар, ногирон фарзандлари бўлган ишчи-хизматчиларга бир йўла 3000 сўм миқдорда хайрия ёрдами бериш, ишлаётган аёлларнинг иш вақтини бир соатга қисқартириш ва меҳнат жараёни навбатчилик билан боғлиқ бўлган аёлларга қисқартирилган иш соати фарқини меҳнат таътилига қўшиш, кўп болали кам таъминланган оилаларга уларнинг фарзандларини ёзги дам олиш мавсумида

ҳим аҳамиятга эгадир.

Моддий манфаатдорлик муваффақиятларининг асосидир. Меҳнаткашлар меҳнатини муносиб қадрлаб, моддий жиҳатдан рағбатлантириш меҳнат интизоми мустаҳкамланиб, иш унумдорлигининг ошишига бўлиб хизмат қилмоқда.

2000 йилда корхонанингда моддий ёрдам бериш тартиби тўғрисидаги Низомиларда бу масалага янада жиддий эътибор берилган. Хусусан, ишчилар 50,55,60 ёшга тўлганларида бир ойлик маош миқдоридан мукофотланадилар, кимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар, 25 йил мобайнида астойдил ишлаган эркаклар ҳам мукофотдан четда қолмай-

Нафс бандалари

КАССАГА ЭМАС, КИССАГА

Ҳеч шубҳасиз, бозор маъмуриятлари ҳам давлат газнасига ҳисса қўшиб келаятирлар. Утган йили вилоят бозорларида патта тушуми, пуллик хизматлар ҳамда ижара ҳақидан 196379 минг сўм маблағ ундирилиб, шундан 87766,5 минг сўми давлат бюджетига ўтказилди.

Аммо, бозорлардаги «ўзлари хон, кўланкалари майдон» айрим паттачилар давлат кассасидан кўра кўпроқ ўзларининг киссалари учун қайғурмоқдалар. Бозорларда патта тўловининг ундирилиши бўйича ўтказилган текширишларнинг бирида Қарши шаҳридаги мол ҳақда эҳтиёт қисмлари бозори паттачиси А.Раҳмонов 170211 сўмни назорат касса машинасидан ўтказмаганлиги аниқланди. Қамашни туманидаги Қизилтепа мол бозори паттачиси М.Соатов жавобгарлигидаги ҳазинада ҳисоб-китоб ўтказилганда, роппа-роса

44380 сўм ортиқча нақд пул борлиги маълум бўлди. Шу тумандаги Чим бозори ходимлари Х.Шоймуродов ва К.Санаевларнинг биридан қамомат, иккинчисидан ортиқча пуллар чиқди. Усмон Юсупов туманидаги «Элобод» ҳамда Миришкор дехқон бозори паттачилари ҳам тушум пулларининг муайян қисмини кассага эмас, киссага урганлар.

Республика Вазирилар Маҳкамасининг «Бозорлар фаолиятини ва уларни бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижроси бўйича ўтказилган 221 текширишнинг тенг ярмида қонунлар бузилганлиги аниқланиб, жавобгарлар қилмишларига яраша жазоландилар.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
Қашқадарё вилояти.

Барҳаёт сиймолар

юксак ахлоқ-одоб эгаси, маданиятли, Қурьони Карим сураларини мукаммал билганлигини тасдиқловчи далиллар бор.

Икки укаси оилалари билан Бешкапага кўчиб келгандан сўнг у қабристонда шайхлик вазирасида ишлаб, ўзининг серҳиммат, саховатпеша, инсонийлик фазилатлари би-

йиллар - қаҳатчилик даврида оч-юпун қолган оилаларга беминнат ёрдам кўрсатди. Қимларгадир гўшт-ёғ, озиқ-овқат ёки пул билан мадад бериб турди. Беморлар ҳолидан хабар олишни у ҳечам қанда қилмаган. Айтишларича, мурувватли шайхнинг қават-қават кўрпачаларда ўтирганини


этаверди. Қора ният билан келган ҳар бир кишига унинг жавоби битта бўларди:

- Худонинг ўзи инсоф берсин...

Саховатпеша инсон, етим-есирлар мададкори Шайх Назрулла тўра 1933-34 йиллар миёнасида 81 ёшида вафот этди ва ҳозир унинг номи билан аталаётган қабристонга дафн этилди. Унинг васиятига кўра қабр усти ер баравар текислаб ташланган. Кўпни кўрган отахонларнинг эътирофи этишларича, қизил империядан бағоят азият чеккан улуг зот шўролар гўримда ҳам безовта қилиб рўҳини чирқиратмасин, деган маънода шундай қарорга келган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас...

Мустақиллик йилларидагина оқни оқ, қорни қора дейишга ҳақли бўлди. Таҳқирланган, овозлари бўғилган, йўллари тўсилган, лекин умр бўйи истиклолга интилиб яшаган, миллий гурури банд, бир сўзли муқаррам ота-боболаримиз, момоларимиз номлари ҳеч қачон ёдимиздан кўтарилмади. Бунинг исботи сифатида Мирзо Уллубек туман ҳокимлиги, туман маҳалла оқсоқоллари кенгаши ҳамда Бешкапа маҳалла кўмитаси сайёҳлик ва ҳаракатлари билан қабристон чеккасида Шарқ меъморий услубида янгитдан барпо этилган Яланғоч бува жоме масжидини мисолга келтириш мумкин.

Абдунаби МАННОПОВ,
Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ.



Вазирлар Маҳкамасида 1999 йилнинг якули ва 2000 йилдаги устувор йўналишларга бағишланган йиғилишда қўша корхоналар фаолиятини янада жонлантириш лозимлиги алоҳида уқтириб ўтилди. Кумқўргондаги Ўзбек Юнон «Олтин чигит» қўша корхонаси ишчи Президентимиз кўрсатмаси асосида ташкил этишга ҳаракат қилмоқда. Корхона асосан уруғлик чигит ва уруғлик ғалла тайёрлашга ихтисослашган. Шунинг учун бу ерда ишлар мавсумий бўлиб, айрим вақтларда иш тўхтаб қолади. Ҳозир ҳамкорлар корхона ишини йил давомида ташкил этиш йўллари ахтаришмоқда. Яъни Юнон-стондаги «Емкат» фирмаси билан ҳамкорликда чиқинди чигитларидан ёғ ишлаб чиқарадиган цех қуришни бошлаш арафасида турибдилар. **Суратда: оператор Йўлдош МАМАДИЁРОВ. Б.ҲАМРОКУЛОВ олган сурат.**

Байрам тараддуди
НАВРЎЗГА ЯНГИ БОҒ

Республикаимизнинг барча жойларида баҳор байрами — Наврўзни муносиб кутиб олиш учун қизгин тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Жумладан, Бухоро шаҳрининг Боёнқулихон мақбараси атрофида янги — саккиз гектарли боғ ташкил этишга киришилди. Бу ерда бир неча хиссасдорлик жамоиятлари ишчиларидан ташқари вилоят шаҳар ва туманларида муқобил хизматни ўтаётган 400 нафардан кўпроқ ёшлар ҳам иштирок этаётди. Ҳадемай, улар сони янада ортади. Истироҳат боғи қурилишини Наврўзи олам байрамига-ча тугаллаш режаси билан фаолият кўрсатаётган қурилиш штаби барпо этилаётган маскани ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга жалб этилганларни икки сменада ишлашни таъминламоқда. Саъдулла Ибодов, Эрдон Нуров, Бахтиёр Ҳожиёв сингари тракторчи ва экскаватор машинистлари шижоат билан ишлаб, ҳамкасбларига ибрат бўлмоқдалар.

Ушбу эзгу ишга вилоят ҳокимлиги бош-қош бўлиб турибди. Пайдо бўлаётган муаммоларни шу жойнинг ўзида ҳал қилишга ҳаракат қилин-япти.

А.НАБИЕВ.

Тошкент шаҳри ва унинг ён-атрофидаги қишлоқ туманларида яшовчилар тили билан айтганда «Яланғоч бува» номи кўпчиликка таниш. Лекин у нима учун шундай деб аталиши, мазкур шахснинг ўзи ким, қандай фаолият билан банд бўлгани хусусида маълумот камдан кам. Баъзиларнинг гапларига қараганда гўё Яланғоч буванинг жасоди шу қабристонга қўйилгани бос мазор унинг номи билан аталаркан. Аслида ҳам шундайми?

Куйида шунга ўхшаш саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинади.

Яланғоч бува номи билан боғлиқ қабристон «Буюк ипак йўли» шоҳ кўчасида, Тошкент трактор заводига икки бекат етмасдан - ўнг ва сўл томонларда жойлашган. Шўролар даврида автомобиль йўли тушиши сабабли мазористон икки қисмга бўлиниб қолган.

Биз Яланғоч буванинг 1934 йили 81 ёшда вафот этганини назардан қочирмаган ҳолда қабристон ёнгинасида янги барпо этилган масжиддан пешин номозини ўқиб чиқаётганлар орасидан энг кекса муйсафидларни учратиш ниятида эдик. Ниятимиз холис экан. Бошида салла, оппоқ соқолли 80 ёшлардаги нуронийга салом бераримиз. Турғун ота Жағбаров ниятимизни тез англаб, газета савоби шига қўл урганини таъкидлади ва ўзи гувоҳи бўлган, эшитган-билганларини бажонидил сўзлаб беришга розилик билдирди. Ҳозирги кунда Бешкапа маҳалласида яшовчи Яланғоч буванинг кенжа укаси - Улугўжа Эшоннинг невараси 65 ёшлардаги Ойимчахон Азизова билан учрашувимиз ҳам биз илаётган айрим далилларни ойдинлаштиришга ёрдам берди.

ЯЛАНҒОЧ БУВА

саховатпеша, етим-есирлар бошини силаган инсон сифатида эъзозланади

Улардан олинган маълумотларга кўра, Яланғоч буванинг асли исми Назрулла тўра бўлган. У 1853 йили Чуст туманининг Варзек қишлоғида таваллуд топиб, Охун эшон, Улугўжа исмли укалари билан иқоликда умргузаронлик қилишган. 27 ёшларда балки оила қуриш иштиёқидамикин, (миллий одатларимизда оталик бўлишни баъзан яшаш жойини алмаштириш билан ҳам боғлашди) баҳарҳол Тошкент шаҳрига келиб мавзедоги Бешкапа маҳалласига кўчиб келади.

Уч ярим-тўрт асрдан бери мавжуд қабристонга яқин бўлган масжид ёнига кичик қапа қуриб, ёлғиз ўзи яшай бошлади. Ундаги динга эътиқод, иқтидор ва меҳр-оқбатлилик сингари хислатларни пайқаган мазкур масжид имомлари Тилов ота ва кейинроқ Жағбар қорилар Назрулла тўрани ёрдамчи қилиб оладилар. У кишининг илм олган олмаганлиги хусусида маълумот бўлмаса-да, лекин унинг

ҳеч ким кўрмаган. Доимий «иш жойи» пўстақдан иборат бўлиб, унинг остида хайриядан тушган пуллар назоратсиз сақланган. У бу пулларни турмуши но-чор, ҳимояга муҳтож қорандонларга улашган ва бундан унинг ўзи ҳам маънан хузур олган. Шайх ёзин-қийин олди очик (Яланғоч бува дейишлари шундан) яқтак устидан узун малла тўн кийиб юрганидан ҳам унинг ўзидан кўра кўпроқ бошқалар манфаатини ўйлаганини билиб олиш қийин эмас. Шу босндан ҳам шайхнинг илхосмандлари, зиёратга келувчилар сони бисёр бўлган. Лекин шўролар таҳдиди, зуғуми камтар инсон Назрулла тўрани ҳам четлаб ўтолмади. Ислом динининг фаол тарғиботчиси, деган тамга ёпиштириб, неча бор уни қамамоқчи, қатагон қилмоқчи бўлдилар. Бироқ маҳаллий халқ ғазабдан чўчиб, бундай ҳукм ижросини кейинга қолдирдилар. Аммо, дўх-пўпислар, турли тазйиқлар давом



«Ўзнефтахсулот» ҳисдорлик бирлашмасига қарашли «Дўстлик» нефть базиси тумандаги барча ташкилот ҳамда хўжаликларни ёнилги мойлаш маҳсулотлари билан таъминлайди. Бу ерда меҳнат қилаётган 30 нафар ишчи-хизматчини ижтимоий ҳимоялашга эътибор кучайтириляпти. Бундан ташқари, нефть базисининг 20 гектардан иборат ёрдамчи хўжалиги, мевазор боғи ва иккита ис-

сиҳонаси бўлиб, улардан олинаётган кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари корхона ишчи-хизматчилари эҳтиёжини қондирмоқда. Ёрдамчи хўжаликка қарашли майдонларда етиштирилган пахтадан олинган юқори ҳосил, боғда етиштирилган сарчил мевалар ва иссиқхонадаги лимонлардан келтирилган даромад корхона янада ободонлаштириш, тумандаги кам таъминланган оилалар-

га, ногирон ва боқувчисиз қолган ёлғиз яшовчиларга моддий ёрдам кўрсатишда, байрам дастурхонларини безатишда, хайрият тadbирларини ўтказишда қўл келмоқда.

Суратда: бирлашма бош муҳандиси Бахтиёр Ширинов, лаборант Зокиржон Хўжақулов ҳамда оператор Эрали Хўсановлар келгуси режалар хусусида суҳбатлашапти.

• **Касаба уюшма сиҳатгоҳларида**

Кейинги бир-икки йил ичида санаторий қиёфаси кескин ўзгариб кетди. Қираверишда дам олиш масканига мос арқ қурилди. Унга туташ қилиб даволанувчиларни қабул қилувчи қабулхона ташкил этилди. Келган одамлар қўлайлиқ кетса, бемалол телевизор кўришлари ёки чойхўрлик қилиб, зериқмай дам олиб ўтиришлари мумкин. Хуллас, бу ерга қадам ранжида қилган одам дам олиш ва даволаниш маскани гамхўрлигини дарров ҳис этади. Санаторийга бир-икки кун эртароқ келиб қолган кишилар баъзи жойлардаги каби муаммага дуч келишмайди. Қираверишда миттигина мехмонхона бор. Нисбатан арзон нарҳда пулини тўлайсизу жойлашиб олаверасиз.

киради. Оёқ огриги, тиззалар букилганда оғришлар бўлганда бир курс даво олган одам улардан халос бўлади. Биз шу куни мазкур муолажани олаётган етмиш ёшлар чамасидаги хоразмлик Матниёз ака билан мухтасаргина суҳбат қурдик. — Товоним остига туз йиғилиб бирдан туриб кета олмасдим, - дейди

юзасидан турли тadbирлар олиб борилмоқда. Санаторий йилдан-йилга олий ўқув юрлари, малака ошириш институтлари профессор-ўқитувчилари билан алоқани мустақамлаб, ҳамкорликни кучайтирмоқда. Олийоҳлар профессорлари ҳафтанинг маълум кунлари санаторийга келиб, даволанишга келганларни қабул қила-

яхши ташкил этиш мақсадида 2000 йил учун алоҳида режа тўзилди. Қибрай туман хокимлиги билан ўқув йили давомида бошланғич синфлар ўқувчиларидан бир-икки гуруҳини санаторийда даволаш ва бир йўла ўқитишни ташкил этишга келишилди. Бу эса ёшларни соғломлаштириш ишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиди.

Санаторий бу тажрибани янада кенгайтирмоқчи. Ҳозир республика халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси билан мулоқотлар олиб борилмоқда. Унга мувофиқ вилоятлардан соғлигини тиклашга муҳтож бошланғич синф ўқувчиларидан гуруҳлар ташкил этилади ва «Ботаника» санаторийсига юборилади. Уларни келишувга мувофиқ санаторий вакиллари темирйўл вокзали, аэропорт, автобус бекатида кутиб олади, жойлаштирилади ва даволаниш тугагач қузатиб қўядилар. «Соғлом авлод йили» муносабати билан яна қатор режалар тўзилмоқда.

— Бу ишни олиб боришда яна бир жуда муҳим нарса бор, - дейди суҳбатимиз ниҳоясида Н.Муродов, - баъзан шундай бўладики, санаторийга касаллиги тўғри келмаган беморлар келишади. Бундан на ўша йиллик таътилни олиб, қанча пул сарфлаган шахсга фойда бор ва на санаторийга. Касаба уюшмалари йўлланма ажратганда ходимнинг касаллигига қараб тарқатсалар ва шифокорлар ҳам тўғри хулосаларини ёзиб берсалар айти мудоао бўлур эди.

Будир ПўЛТОВ.

«БОТАНИКА» санаторийсида тиббиёт илмининг энг янги ютуқлари жорий этилмоқда

Сиҳатгоҳ Тошкент вилояти Қибрай туманидаги боғ-роғлар ҳудудида жойлашган. Чимён тоғларининг эпкини сезилиб туради. Ётоқ, даволаш, маданий-маиший бинолар, ошхонага элтучи хиббонларнинг икки чети ям-яшил игна баргли дарахтлар. Санаторий хиббонларидаги минг тупдан зиёд турли хил арчалардан ёқимли соф ҳаво бетини чиқаётганга ўхшайди. Наинки, игна баргли дарахтларни кислород фабрикаси деб бекорга айтишмайди.

Биз «Ботаника» санаторийсида бўлганимизда бош шифокор Насриддин Муродов билан суҳбатлашдик. — Сиҳатгоҳимиз фаолиятини халқроқ талабларга жавоб берадиган тарзда ташкил этишимиз керак, - дейди у. - Ана шу йўналишда қатор ишлар олиб бориляпти. Ётоқ жойларида, даволаш хоналарида, ошхонада кўп қулайликлар яратдик ва бу ишларни изчиллик билан давом эттиришга интиляпмиз. Мақсад халқ соғлигини муҳофаза қилиш экан, бор билимимиз, тажрибамизни ишга солашимиз. Замонавий даволаниш тиббий усулларини сотиб олаёلمиз. Шароитдан келиб чиқиб, тиббиёт оламининг энг

янги ютуқларини жорий этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Менимча, бу интилишимиз зое кетмапти. Сиҳатгоҳда биз худди шу масалаларга алоҳида эътибор бердик. Ўтган йил ёздан даволанувчилар эҳтиёжини ҳисобга олиб шомоллаш, бўғимлар шомоллаши, туз йиғилишининг олдини олиш бўйича йўналишни кенгайтириш мақсадида бир мунча қилинди. Шу яхши ният йўлида нисбатан магнит терапияли паст частотали МАГ-30-3 тиббий ускунаси келтирилди. Айниқса, остеохондрозни, товонда туз йиғилишини, тоз, умуртқа сўяги, ҳаракат органлари шикастланиши, жинсий органлар касаллиги, ишларини даволашда жуда яхши самара бермоқда. Бу ускуна оғриқларни яхши қолдиради. Операциядан кейин бемор бадан терисини олдинги ҳолига қайтишига, чандиқларни текислаштиришга қараб катта ёрдам беради. Айниқса, сийдик тутта олмастик, простота безларининг шомоллашини даволашда жонга аро

у. - Товонда қаттиқ оғриқ туриб, осонликча тура олмасдим. Шу муолажани ола бошлаганимда, дўхтирлар тез тузалиб кетасиз дейишганида кўпам ишонмовдим. Йўқ, 3-4 марта олганимдан сўнг оғриқ қанчалик даволашди. Худого шукур, ҳозир оғриқдан фориғ бўлдим. «МИО-1Т» терапия магнит муолажа хонасини бу ерда наҳот хонаси дейишди. Шомоллаш, айниқса томоқ оғриши қабилирни тез даволайди.

Айниқса артроз, артрит, неврит, неврология, нерв шомоллаши каби касалликларни даволашда жуда қўл келади. Санаторий ҳаётидан янгица даволаш, замонавий тиббий ускуналарни қўллаш юзасидан яна кўп мисолларни келтириш мумкин. Сиҳатгоҳда шифокорлар, ҳамширалар малакасини оширишга катта эътибор берилмоқда. Вақти-вақти билан уларни малака оширишга юбориб турилади. Республикадаги ўқув марказлари билан алоқалардан ташқари санаторийнинг ўзида ҳам ҳамширалар малакасини ошириш

дилар. Маслаҳатлар берадилар, ташхис қўйишда ёрдамлашадилар. Бу усул эса дам олувчиларни мукамал даволашда қўл келмоқда. Кейинги йилларда гинекология (аёллар касалликлари) ва андрология (эркаклар жинсий аъзолари) касалликларини даволаш юзасидан ҳамкорликда кўп ишлар қилинди. Шунингдек, халқ табobati, гиёҳлар билан даволаш йўналишида ҳам қатор янгиликлар юз берди.

Санаторий ҳузуридаги маънавият ва маърифат маркази орқали тиббиёт олими Зиёвуддин Сабдуллаев билан кўп йилдан бери учрашувлар ташкил этилмоқда. Бу ишларни олиб боришда профессор Бобир Исломонов ва тиббиёт фанлари номзоди Марғуба Расуловалар катта ҳисса қўшмоқдалар. Сиҳатгоҳда Республика Президентининг «Соғлом авлод йили» ташаббуси муносабати билан қатор тadbирлар тўзилиб, амалга оширилмоқда. Санаторийда 66 ўринли болалар бўлинимаси мавжуд. Ёшларни соғломлаштириш ишини янада

ХАЛҚИМИЗГА БУНЁДКОРЛИК РУҲИ ЁР

Бир мuddат ўтиб юртимизга яна ташриф буюрган киши, албатта, бир ганини таъкидлайди: яна қурилиш, яна бунёдкорлик. Ҳақиқатан ҳам, ўзбек халқининг бунёдкорлигини бугун бутун дунё тан олмақда. Ўзимиз ҳам. Балки мана шуниси - ўзимизнинг тан олаётганимиз муҳимроқдир. Зеро, бу халқимиз онгида яратувчилик руҳининг қайта тикланаётганидан, ана шундай туйғу билан яшай бошлаганимиздан, эртанги кунга ишончимиздан далолатдир.

Ўтган саккиз ярим йиллик эркин тараққиётимизнинг қайси бир соҳасини олмайлик, энг аввало кўзга ташланадигани айнан бунёдкорлик, яратувчилик ишлари бўлади. Ушбу тарихий тadbирларга бош-қош бўлаётган, халқимизни бутун дунёга бунёдкор сифатида танитаётган ҳам, миллатни ўзининг куч-қудратига ишонтираётган ҳам Юртбошимиз Ислам Каримов эканлини барчамиз яхши биламиз. Бирон бир йил йўқки, хоҳ мамлакатимиз пойтахти, хоҳ вилоятларда бўлсин, бунёдкорлик тadbирлари давом этмаётган бўлса.

Маълумки, 1999 йилда Президентимиз ташаббуси билан 2000 йилда буюк мутафаккирлар Абу Мансур Мотурудийнинг 1130 йиллиги, Бурхониддин Марғиновичнинг 910 йиллиги, 2001 йилда эса Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси қарорлар қабул қилган эди. 8 март куни давлатимиз раҳбари мазкур тadbирлар доirasида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишларининг лойиҳалари билан танишди. Ушбу лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти, мафқураси нукта-назаридан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Жумладан, Абу Мансур Мотурудий хотирасига бағишланган жаммуани табаррук ватандошимизнинг ҳоки ётган жойда эмас, бутунлай бо-

шқа ерда бунёд этишни мўлжаллаган меъморлар режасига ўзгартириш киритишни тақлиф этди. Президентимиз, жумладан, улўғ алломанинг мақбараси айнан унинг руҳи поки қўним топган жойда барпо этилиши кераклигини, тарихий ҳақиқатқа зид иш тутиш адолат мезонига тўғри келмаслигини алоҳида ўқтириб ўтди. Бурхониддин Марғинович таваллудини нишонлаш билан боғлиқ Марғилон, Риштон шаҳарларида барпо этилиши мўлжалланган ишларнинг лойиҳаси билан танишиш чоғида Юртбошимиз амалга ошириладиган қурилиш, ободончилик тadbирлари мўлжалдаги мақсад ва вазифаларнинг маъно-моҳиятини бузмаслиги, ота-боболаримиздан қолган қадриятлар, удумлarga зид бўлмаслиги кераклигига алоҳида эътиборни қаратди. Жумладан, Марғилон шаҳар марказида бунёд - қўнигичар масканда Бурхониддин Марғинович хотирасига бағишланадиган ёдгорлики ҳамда мотамсарона она ҳайкалини ўрнатиш ҳам меъморий, ҳам маънавий нуктаи назардан тўғри келмаслигини таъкидлади. Шунингдек, Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан Сурхондарё марказида барпо этиладиган иншоотлар хусусида ҳам фикрлар билдириб, Сурхон воҳасида мавжуд археологик обидаларни авайлаш, улардан топилган асори атиқаларни бир неча минг йиллик тарихий-маданий тараққиётимиз

намунаси сифатида келажак авлод учун сақлаш мақсадида Термиз шаҳрида алоҳида музей барпо этиш борасида кўрсатма берди. Лойиҳалар билан танишиш чоғида Президент шарафсозлик, меъморлик маданияти, қонунари, талабларига ҳам диққатни жалб қилди. Жумладан, Навоий вилояти марказининг келгусида шаҳарсозлик нуктаи назаридан ривожланиши ҳамда бу ерда Алишер Навоий ҳайкалини барпо этиш ҳақида ўз тақлифини айтди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари яқинлашиб келаятган умумхалқ байрами - Наврўзи оламини нишонлаш билан боғлиқ тайёргарлик ишлари билан ҳам танишди ва байрамнинг асосий тантаналари ўтказиладиган Ўзбекистон Миллий боғидаги янги саҳна майдонини қурилишини кўздан кечириди. Президентимиз қуриляётган ушбу янги маскан Навоий боғи билан уйғуналашиб, унинг кўркига кўрк қўйиши, боғ атрофидаги бинолар яққол кўриниб туриши лозимлигини таъкидлади. Томошибилар учун мўлжалланган ўриндиқлар ҳар томонлама қулай бўлиши зарур. Юртбошимиз Наврўз байрами томошалари дастури билан ҳам қизиқиб, унда халқимиз миллий қадриятлари, анъаналари билан боғлиқ саҳна кўришилари, дорбозлар чиқишлари, халқ озаки ичқидиға, замонавий эстрада қўшиқларига кенг ўрин бериш кераклигини алоҳида қайд этди. Халқимиз бу байрамни ҳар йили интиқлик билан кутади. Шу боис, бу байрам дастури ҳар бир томошабинда ўзига хос қувончли таассурот қолдиради, деди Президентимиз.

Маҳмуд ТЕМУРОВ (ЎЗА).


Жомбойдаги қўшма корхонада

Жомбой туманидаги СИЛКСТАР (Шойи юлдузи) «Таиланд-Самарқанд» қўшма корхонасининг фаолият кўрсата бошлаганига унча кўп бўлгани йўқ. Лекин қисқа вақт ичида корхона ўз маҳсулотларининг юқори сифати ва харидорчилиги билан эътибор қозонди. Корхона асосан хом пилладан калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, йилига 150-160 тонна шойи калава ип ишлаб чиқармоқда. Мазкур қўшма корхонанинг таъсисчиси таиландлик ишбилармон Автар Даврди. Унинг Хитойнинг 301, Япониянинг Кенан системасига мослашган янги русумли шойи калава ип ишлаб чиқариш технологиясидан дунёнинг Арабистон, АҚШ, Россия каби мамлакатларида унумли фойдаланилмоқда. Марказий Осиё давлатлари ичида эса фақат Ўзбекистонда қўлланадиган.

Корхонада иш икки сменада ташкил этилган бўлиб, барча юмушларни 500 нафар маҳаллий йигит-қизлар бажармоқда. Энг муҳими, кечагина давраларда қўллар қадок бўлиб меҳнат қилаётган қишлоқ ёшлари бугун жаҳон андозаларига мос, энг замонавий дастгоҳларни моҳирлик билан бошқариб кўзни қувонтирадиган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Айни пайтда цехларда 429-310 турдаги шойи калава ип тайёрланапти. Сифатли маҳсулот эса ҳар доим харидорнинг эътиборида. Шу боис, қўлаб хорж мамлакатларидан Самарқанд шойи ипак калавасига буюртмалар келмоқда.

Корхона жамоасининг бу йилги режалари янада улкан. Аҳил жамоа ўз иш фаолиятини янада кенгайтириб, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, ўзбек пилласининг жаҳон бозорига нуфузини оширишга интилоқдалар.

Суратда: бригадир Мухаббат Қўзиёева, корхонанинг ижрочи директори Абдумалик Акрамов ва тола ўрвочи Бувнор Темирова.



Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

Хуқуқ тарғиботи
ОГОҲЛИК - МУҚАДДАС БУРЧ

Яқинда Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидаги «Марказ-2» мавзесида жойлашган «Мустақиллик» маҳалла қўмитасида «Огоҳлик - муқаддас бурч» мавзуга бағишланган маҳалла аҳли ва фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда туман прокуратураси, уй-жойларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш инспекцияси масъул вакиллари қатнашдилар. Улар маҳалла аҳлини доим зийрак ва огоҳ бўлишга, Ватанимиз мустақиллиги ва осойишталигига раҳна солишга уринаётган, унинг ривожланиб раванқ топишига тўсқинлик қилмоқчи бўлаётган ақидапарастларга қарши муросасиз курашишга даъват этдилар.

Йиғилишда мазкур маҳалла қўмитаси раиси Хусан Тўйчиев, «Посбонлар» гуруҳи сардори Тожибой Мўминов ва уюшма нозир Баҳром Миҳаевлар сўзга чиқиб осойишталикини сақлаш, ҳарқубзарликнинг олдини олиш борасида қилинган сазъ-ҳаракатлар тўғрисида тўхталдилар.

Шунингдек, олдда турган долзарб вазифалар хусусида ҳам келишиб олинди. Бунда маҳалла ҳудудида жойлашган 22 та кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи 3 мингдан ошқ аҳолининг паспорт тизимини қайта кўриб чиқиш масаласи кўтарилди. Мавжуд ҳонадорларнинг ҳар бири учун алоҳида уй дафтари ташкил этилганлиги, шу уйларда рўйхатда турувчи фуқаролар ҳужжатларининг тартибга солинишида қўл келиши таъкидлаб ўтилди.

М.ҲАЙИТОВА.

OLAMDA

Ҳиндистоннинг Катманду халқро аэропортга ўз хавфсизлик кучлари гуруҳини жойлаштириш ҳақидаги тақлифини Непал ҳукумати рад этди. Катманду расмий доиралари Ҳиндистон тақлифига «Непал мустақил мамлакат, шу боис у ўз ҳудудида хоржий мамлакат махсус хизмати ходимларининг расмий равишда фаолият кўрсатишига йўл қўймайди», деб жавоб берди.

Покистоннинг Жейкобад шаҳрида йирик автоҳалокат юз берди. Оқибатда 55 киши ҳаётдан кўз юмди. Хабарларга қараганда, қурбон бўлганларнинг 36 нафари болалар ва 14 нафари аёллар бўлган. Фалокат йўловчига лиқ тўла автобуснинг каналга тушиб кетиши оқибатида рўй берган.

Грецияда ҳам насроний «Салмон Рушдий» пайдо бўлди. Ёзувчи Мимис Андрулакис бу динга эътиқод қилувчиларнинг ҳис-туйғуларини ҳақорат қилгани учун Салоника шаҳри прокурори унга нисбатан жиноий иш қўзғайди. Барчаси ёзувчининг янги китоби босмадан чиққандан кейин бошланди. Китобда Исо йўлғамбар билан унинг издоши Мария Магдалена ўртасидаги ишқий муносабатлар баён қилинган эди. У жамоатчи-

ликни ғазабга келтирди. Буюк Британияда нашр қилинадиган «Ши» (аёл) журнали буюртмаси билан амалга оширилган сўров натижасига кўра, Англияда ҳар икки аёлининг бири ҳаётида бир бор бўлса-да ўз жонига қасд қилиш ҳақида ўйлаган. Мамлакат аёлларининг қарийб 40 фоизи руҳий инқирозга қарши дори қабул қилган, ҳар беш аёлининг бири махфий телефон орқали шифокорга мурожаат қилган. Турмуш қурган аёлларнинг 13 фоизи ажралишни, 25 фоизи эса иштини ўзгартиришни орзу қилади.

Франция полициячилари 700 килограмм «қора дори» олиб кетаётган жиноятчиларни қўлга олди. Франция, Мароқаш ва Югославия фуқаролари бўлган тўрт нафар жиноятчи катта йўллардан биридаги ҳайдовчилар дам оладиган жойда қўлга олинди. Тергов натижасида уларнинг аввал ҳам гиёҳвандлик моддаларини ташин билан шугуллангани маълум бўлди. Шу вақтгача жиноятчилар Испаниянинг ўзидан олти тоннагача «қора дори» олиб келишга улгурган экан.

Индонезиянинг Суматра ороли ўрмонларида ёнғин авжга чиқмоқда. Суматра атроф муҳитини назорат қилиш хизматининг маълум қилишича, ёнғин оқибатида ҳавонинг захарланиши меъбирдан олти баробар ошиб кетган. Айниқса, Риану вилоятида аҳвол ачинарли. Бу ерда

• **Муаммо кўндаланг қўйилади**

ТАДБИРКОР ЙЎЛИДАГИ ҒОВ

Одатда ҳар бир эзгу иш осонгина амалга ошавермайди. Райимберди Эрназаров номли дехқон-фермер хўжалиги учун Алишер Навоий номили хўжалик ҳисобидан ер ажратиб олиш ҳам шундай қийин кечди. Анчагина гап-сўз, югур-югурдан сўнггина ер, техника ажратишди. «Мустақил бўлиб қайғамиз борардинг, жўжани кузда санаймиз» дейдиганлар ҳам топилди.

Ҳаммасига вақт ҳакам экан. Шундан бери жўжа кузда бир эмас, беш марта саналди. Шамси Барноев бошлиқ хўжалик аъзолари юз гектар майдонда дехқончилик қилиб ҳар йили пахта, галла, пилла етиштириш режаларини ошириб бажараверишди. Жумладан ўтган йили давлатга 208 тонна пахта, 59 тонна галла, 2020 килограмм пилла сотишди. Йил бир миллион сўм соғ фойда билан якунланди. Хўжалиқнинг рентабеллик даражаси 37 фоизга өтди.

— Иш унуми бундан ҳам юқори бўлиши мумкин эди,—дейди Шамси Барноев.—Лекин хўжаликда айна иш қизиган пайтда ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, эҳтиёт қисмлар етишмаслиги ишнинг белига тепмоқда. Бундай пайтда ҳолинг қалай, дейдиган

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири.



Музейлар ҳақида мулоҳаза

Ўтмишни билмасдан келажак сари дадил одимлаб бўлмайди. Зеро, мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир. Бу каби фикр-мулоҳазалар кейинги вақтларда кўп айтиляпти. Лекин яна бир масала борки, бу ҳақда ҳам ошқора гапирадиган фурсат етди. Бу музейлар ҳусусидадир. Самарқанд давлат музей-кўриқхонаси бош директори Нўмон МАХМУДОВ мазкур соҳадаги ишлар ва муаммолар ҳусусида сўз юритди.

жасига киритилди. Шохизинда мажмуида археологик тадқиқотлар ўтказиш бўйича Италия олимлари билан шартнома тузилди.

БЕБАҲО МЕРОС

Самарқанд музейига 1874 йилда асос солинган. Утган давр мобайнида вилоятда музейлар тармоғи, уларнинг фаолияти доираси кенгайди, экспонатлар хазинаси бойиди. 1978 йилда эса Самарқандда янги музей биноси қурилиб, вилоятдаги барча музейлар бир тизимга бирлаштирилди. Музейлар ходимлари ўтган даврда кўпгина илмий-тадқиқотлар олиб боришган бўлса-да, бу саъй-ҳаракатлар Ўзбекистон мустақиллиги йилларида янгича аҳамият касб этди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва тақомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилиниши ва «Ўзбекмузей» жамғармасининг ташкил этилиши соҳадаги янгиланишларнинг дебюти бўлди. Шундан сўнг вилоятдаги музейларда бир қанча кўргазмалар ташкил этилди. Алишер Навоий, Улугбек музейларида, С.Айний уй-музейида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Каттақўрғон, Иштихон, Пахтачи музейларида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Бундан ташқари, илмий-тадқиқот ишлари умумлаштирилиб, оммабоп рисоалар нашр қилинди. Шунингдек, Самарқанд шаҳри тарихи музейида ҳаво намлигини мўътадиллаштирувчи ускуна ўрнатилди, А.Икромов номли музейнинг иситиш тармоғи қайта тикланди.

Афсуски, маблаг йўқлиги сабабли режалаштирилган кўпгина ишлар амалга ошмай қолди. Самарқанд қадамжолари йўл кўрсаткичи, маъмурий обидаларнинг суратли китобчаси, бир қанча илмий-оммабоп мақолалар нашр этилиши эришилмади. Республика Президентининг юқоридаги Фармониға асосан музейимизга ҳомийлик қилишлари белгиланган бўлса-да, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ва «Ўзбектуризм» компаниялари, Бухоро олтин конлари концерни бизнинг мурожаатларимизга ҳанузгача жавоб беришмаяпти.

Мухбир мулоҳазаси: Очиги, кўпчилигимиз музейлар, уларда сақланаётган нодир ва ноёб буюмлар ҳақида деярли ҳеч нарса билмаймиз. Демак, тарихга оид билимларимизни мукаммал, деб бўлмайди. Бизнингча, бу борадиган энг муҳим тадбир музейлар фаолиятини ва уларнинг хазинасидаги маънавий меросни тарғиб қилиш бўлиб қолиши керак. Нафасат расман белгиланган ҳомийлар, балки имконияти бор ҳар бир корхона бунга ҳисса қўша қатта савобли иш бўлур эди.

Музейларимизда илмий-оқартув ишлари ҳам мумкин қадар кенгроқ кўламда амалга ошириляпти. Айтайлик, ўтган йили музейлар ва тарихий ёдгорлик мажмуаларига 238 минг киши таширф буюрган. Музей ходимлари томонидан 2 мингга яқин экскурсиялар уюштирилиб, юздан зиёд матрузалар ўқилди. Шу билан бирга, музей-кўриқхонасининг археологик коллекцияси АҚШда намойиш этилди. Германия, Англия, Япония, Франция, Эрон, Покистондаги ҳамкасблар билан ижодий алоқалар ўрнатилди. Хусусан, германиялик этнограф олим Габриэл Келлер билан Самарқандда махсус кўргазма очиш иш ре-

Мухбир мулоҳазаси: Бундай тадбирлар дилга қувонч бағишлайди, албатта. Лекин шу билан бирга, баъзи фикрларимизни ҳам ошқора айтишни истардик. Чунончи, юқорида қайд этилган таширф этган кишилар сонига тегишли рақамнинг қатта қисми тарихий ёдгорликлар ҳиссасига тўғри келади. Музейларга кирувчилар эса анча кам. Умуман, музейларга кимлар келади? Асосан ўқувчилар, талабалар, зиёлилар. Музей ходимларидан бирининг айтишига қараганда, «бизнесменлар музейнинг маънисини ҳам билишмасе керак». Айрим раҳбарлар қатта тадбирлар пайтидагина бу даргоҳ остонасига қадам қўйишади. Хуллас, чин иштиёқ ва қизиқиш билан музейга келадиганлар, қалбдан хайратланаётганлар биз кўзда тутгандан анча кам.

Яна бир гап. Чет элда кўргазмалар уюштириляётгани яхши. Лекин шу билан бирга юртимизнинг чекка қишлоқларида яшовчи аҳолини ҳам музейлар хазинасидан баҳраманд қилиш имкони кидириб кўриласа, нур устига аъло нур бўларди, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг музейлар ходимлари ҳам тарихни янгича тадқиқ этиш ва тарихий ҳақиқатни тиклаш бўйича анчагина ишлар қилишди. Лекин қисқа вақт ичида халқимизнинг неча минг йиллик тарихини мукаммал ўрганиб, ўзлаштириб бўлмайди. Бу тадбирлар мунтазам ва изчил давом этиши керак. Шу боис, Ўзбекистон ФА тарих институтининг концепциясига мувофиқ, музейнинг келажак иш дастури ишлаб чиқилди. Бунда асосий эътибор тарихий ҳақиқатга ҳолисона ёндошув, кўргазмаларда миллийлик ва миллий мафкура гоълари устувор бўлишига, илмий-тадқиқотлар, оммабоп тарғиботлар масалаларига қаратилди. Уларни амалга ошириш учун қатта маблаг керак. Бинобарин, биз Маданият ишлари вазирлигининг бевосита ёрдамига муҳтожмиз. Бундан ташқари, жойлардаги музейлар ишини яхшилаш тўман ҳокимликлари эътиборидан ҳам четда қолмаслиги керак.

Ҳозирги вақтда музейшунос кадрлар муаммоси ҳам ўткирлашиб бормоқда. Буни икки йўналишда ҳал этиш мумкин. Биринчиси, олий ўқув юртиларида кадрлар тайёрлаш, иккинчиси, ишлаётган ходимларнинг малакасини оширишдир. Бизнингча, саннат корхоналари ўз махсулотлари намуналарини музейга топширишлари ва бу қонун билан белгилаб қўйилиши керак. Бундан ташқари, юртимизда жамоатчилик музейлари ва шахсий коллекциялар ҳам кўплаб мавжуд. Улардаги нодир буюмлар, ноёб тарихий ашёларнинг сақланиши, ҳаракатини мунтазам кузатиш, рўйхатини тузиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зарурат туғилганда шахсий коллекциялардан сотиладиган буюмларни харид қилиш имконияти музейларда мавжуд бўлиши керак. Хуллас, музейларимизда тарихимиздан ҳикоя қилувчи 200 мингдан зиёд турли ашёлар бор. Бундай улкан тарихий меросни сақлаш, келажак авлодга етказиш ҳаммамизнинг масъулиятли бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз керак, деб ўйлайман.

Сухбатдош:
Р.КУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Билиб қўйган яхши

ҲАЙВОНЛАР ҚАНЧА ВАҚТ УХЛАЙДИ?

Оху бир кеча кундузда икки-икки ярим соат, от сал кўпроқ, қўй ва эчки тўрт соатдан камроқ ухлайди. Ёш денгиз фили 8-10 соат ухласа-да, бироқ сув юзасидан ҳаво билан нафас олиш учун тез-тез уйғониб туради. Кўршапалақлар эса 20 соат, ҳатто кечаю кундуз ором олишга тайёр. Ола, сариқ сиқонлар, Американинг фарбиди яшовчи айиқлар ухлашда кўршапалақлардан қолишмайди. Қушлар орасида, айниқса ўрмон кабутари учинга ноқулай об-ҳавода узоқ ухлар экан. Шу вақтга қадар умуртқасизлар билан балиқларнинг қандай ухлаши жумбоқлигича қолмоқда. Ақуалар ухламайди. Чунки уларнинг жабралари сувнинг оқими билан «ишлайди». Шунингдек, бақаларнинг австриялик йирик - тури хўкиз бақа мутлақо ухламайди.

ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ: УМУМЖАҲОН АНЖУМАНИ

Шу йилнинг июн ойида Женевада ижтимоий тараққиёт масалаларига бағишланган БМТ Бош Ассамблеясининг Махсус сессияси ўтказилади. Мазкур учрашув 1995 йил март ойида Копенгагенда БМТ томонидан ташкил этилган биринчи умумжаҳон саммитига қўрилган ижтимоий тараққиёт масалалари муҳокамасининг давоми ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамияти ижтимоий масалаларни ҳал этиш борасида қандай натижаларга эришди? Ижтимоий ривожланишда халқаро фаолият режаси нималардан иборат? Женевада ўтказиладиган ҳукуматлараро учрашувнинг кун тартибидан шу каби масалалар ўрин олади. Учрашувда Махсус сессия ақунлари юзасидан ҳужжат тайёрланиши ҳам кўзда тутилади. Айни пайтда, Тайёрлов қўмитаси глобаллашувнинг ижтимоий тараққиётга таъсири, ривожланаётган ҳамда ўтиш даври иқтисодиётига эга мамлакатлар экспорт маҳсулотларининг жаҳон бозорига чиқишининг кенгайиши, Африка давлатлари ва кам тараққиётган мамлакатлардаги муаммолар, молиявий инқирозларнинг ижтимоий оқибатлари каби масалаларни муҳокама қилмоқда. Давлатлараро учрашув билан бир вақтда Женевада «Женева — 2000: ижтимоий та-

Анджон шахрида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб вилоят касабаси уюшмалари Кенгаши соврини учун тармоқлараро хотин-қизлар эстафетаси бўлиб ўтди. Ўн учта тармоқ вакиллари бўлган 260 нафар қатнашчи Кенгаш биноси олдидан шохқўча бўйлаб эски шаҳар томон йўл олдилар. Кўчанинг икки бети томошабинларга тўлди. Улар ҳар 150 метр масофада эстафета таёқчасини ўз шеригига ет-

АЁЛЛАР ЭСТАФЕТАСИ


казиб бераётган аёлларнинг эгчил ҳаракатини қатта қизиқиш билан кузатиб турдилар. Марраға биринчи бўлиб таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма вилоят қўмитаси вакили етиб келди. Иккинчи ўрин кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касабаси уюшма вилоят қўмитаси вакилига насаи етди. Энгил, маҳаллий, мебел санати ҳамда ком-

мунал ва маиший хизмат ходимлари касабаси уюшма вилоят қўмитаси вакили учинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, беллашувда савдо, қурилиш, маданият, алоқа ходимлари касабаси уюшма вилоят қўмиталари ҳам фаол қатнашдилар. Ёқилғи, биокимё ва энергетика ходимлари касабаси уюшма тармоқ қўмитаси вакили Лариса Райхель ва деҳқончилик саноти ати ходимлари касабаси уюшма тармоқ қўмитаси Алиффона Скурихина эстафетанинг энг кекса қатнашчилари деб топилди. Голиб ва совриндорларга Кенгашнинг факрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалари топширилди. Эстафетага тайёргарлик кўриш ва ўтказишда «Ўзбекистон» кўнгилли жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят Кенгашининг ҳиссаси қатта бўлди. **Ш.НЕЪМАТОВ,**
«Ишонч» мухбири.

Мамлакатимиз келажиги бугунги ёшларимизнинг нечоғли билимдонлигига қўл жихатдан боғлиқ. Шу туфайли Қарши шаҳридаги табиий фанларни чуқур ўргатишга йўналтирилган махсус мактаб-интернати ўқитувчилари замонавий таълим усулларини ҳаётга жорий этишяпти. Айниқса, ўқувчилар заковатини ривожлантиришда физика ва математика фани тўғрақларининг самараси қатта бўлаётир.

Суратда: муаллима Фотима Нормуродова тўғрақ қатнашчилари 11-синф ўқувчилари Илҳом Бахтиёр, Зафар Уроқов ҳамда Улугбек Жуманазаровлар билан машғул пайтида.

Р.АЛБЕКОВ олган сурат.



Саломатлик неъматлари

ЯЛПИЗ

Гўзал табиатнинг сарҳовати шунчалик кенги, унинг инъомларини санаб ниҳоясига етиш қийин. Табиатнинг ажралмас бўлаги бўлган набобот олами инсонни тўйдиради, кийинтиради, унга ҳарорат бағишлайди, ҳавонини мусаффо қилади, даволайди. Шифобахш ўсимликларнинг хосияти қадим замонлардан одамларга маълум бўлган ва улардан турли касалликларни даволаш учун фойдаланиб келинган. Чунки улар таркибида одам организмиси учун зарур бўлган оқсил, углеводлар (карбон сувлар), ёғ, витаминлар, минерал тузлар, физиологик актив ва яна бир қанча саломатлик учун фойдали моддалар бор. Шулардан бири ялпиздир. Ундан қадим замонлардан таомлар тайёрлашда ва халқ табobati амалиётида кенг қўламда фойдаланиб келинган. Унинг номлари кўп: хулбўй, зулба, пудина, нарғиз, ариқ жалбус, нано, пудинаж...

Ялпиз турлари республикамизнинг деярли ҳамма ерларида - ариқ бўйларида, адирларда, тоғ этакларида ўсади. Таркибида эфир мойлари (ментол, ментон, пинен, фладрен, цениол, незлиол, жасмин), органик кислоталар, флавоноидлар, каротин, рамноза, глюкоза, рутин, витамин С, минерал тузлар ва яна бир қатор моддалар мавжуд. Унинг шифобахшлиги хусусида аллома Абу Али ибн Сино жуда кўп ёзган: «Ялпизда киздирувчи ва буриштирувчи куч бор. У барча истеъмол қилинувчи сабзавотлар ичида жавҳари, энг латифидир, агар ялпиз шохларини сутга ташланса, сут ивимайди. Унинг шираси сиркага солиб ичилса, ичдан қон оқини тўхтади. Бир неча кунгача уни еб, кетидан сузма зардоби ичиб турилса, томирни кенгайтиради. Ялпиз ичиш моховоғга фойда қилади... Унинг шираси қовоқдаги куртларни ўлдиради. Ялпиз меъдани ва эрлик уруғи пуфакларини маҳкамлайди, ҳиқичоқ ва қон қусишни тўхтади, овқатнинг сингишига ёрдам қилади; бош оғриғи, тумов ва сариқ касалига фойда қилади...»

Йўллари касалликларининг олдини олувчи восита сифатида ҳам фойдалилиги кузатилган. Унинг қуритилгани меъда, ўт ҳайдовчи, терлатувчи, асабини тинчлатирувчи ва бошқа йиғмалар таркибига киради. Олимларнинг таъкидлашича, айниқса қалампир ялпизда тинка қуриши, ҳолсизланиш, вабо, бод ва бошқа хасталикларни даф этиш қуввати мавжуд бўлиб, у бавосир, ширинча ва бошқа касалликларда фойдали. Ёқилми муаттар хиди бош мия фаолиятини яхшилайдиги, киши кўнглини кўтариди, толиқини, дангасаликни қувади.

Ялпизнинг барги ва барра новдалари турли мевалардан тайёрланган компотларга, конфетларга, чойларга хид ва таъм беришда ишлатилади. Мойи лимонад, ликер, қандолат, консерва, упалэлик тайёрлашда ва бошқа соҳадаги тармоқларда қўлланилади.

Ялпиз — ошқўк, зиравор ҳамда шифобахш омил сифатида ишлатилишдан ташқари, ундан баҳор пайтида жағ-жағ, исмаоқ, кўк пибё, йўнғичқа ўтлари билан бирга чучвара, манти, нон ва сомса тайёрлаб истеъмол қиладилар. Бундай таомлар кишига дармон бағишлайди, организмни юқимли касалликлардан муҳофаза қилади. Ундан турли хил курт-қумурсқаларга, қуяга қарши дори сифатида ҳам фойдаланилади.

Сафар МУҲАММАДИЕВ,
доцент.

Америка Президенти Кеннедининг галати вазиятда ўлдирилиши кўпгина ривоят, тахмин, мулоҳаза ва фаразларга сабаб бўлди. Бу фожеа америкалик математика ишқибозларининг ҳам эътиборидан четда қолмади.

ҲАЙРАТОМУЗ ЎХШАШЛИК

Шундай математиклардан бири Кеннеди билан Линкольн таржimai ҳолида ҳайратомуз ўхшашлик борлигини аниқлади. Линкольн Америка Президентлигига 1860 йилда, Кеннеди эса 1960 йилда сайланган. Уларнинг ҳар иккиси ҳам жума кунни хотинлари олдига ўлдирилган.

Кеннеди «Линкольн» автомобилда кетаётганида отилган. Ҳар иккала Президент ўрнига сайланган кишиларнинг исм-шарифи ҳам Жонсон бўлган. Ҳар иккала Жонсон ҳам демократлар партияси вакили ва собиқ сенатор эди. Эндрыон Жонсон 1808 йили, Линдон Жонсон эса 1908 йили туғилган. Президент Линкольннинг қотили Бут 1839 йилда, Кеннедининг қотили деб гумон қилинган Освальд 1939 йилда туғилган. Ҳар иккала қотил тергов вақтида ўлдирилган.

Линкольн шахсий қотилининг исми Жон, Кеннеди шахсий қотилининг фамилияси эса Линкольн эди.

Эркин кураш

МЕЗБОНЛАР ҚҮЛИ БАЛАНД

Нукус шаҳридаги «Бўрон» ҳиссадорлик жамияти спорт мажмуида эркин кураш бўйича ўтди. Бақа бўлиб бўлди. Унда Қорақалпоғистон республикаси касабаси уюшмалари тизимидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари жамоалари қатнашди.

Қизиқарли ўтган баҳслар Нукус шаҳри вакиллари мусобақага алоҳида тайёргарлик билан келганликларини кўрсатди. Улар асосан биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаб, умумжамоа ҳисобида голибликни қўлга киритишди. Мусобақа голиб ва совриндорларига касабаси уюшма қўмиталари ҳамда ҳомийларнинг совғалари тақдим этилди.

Кези келганда айтиш лозимки, Қорақалпоғистон республикаси касабаси уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт мустақиллари бундан тегишли хулоса чиқариб, бошқа шаҳар ҳамда туман спорт мактабларининг ҳам мусобақаларда фаол иштирокини таъминлайдилар, деган умиддамиз.

А.ИСКАНДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Тошкент вилояти металлургия ва машинасозлик санати ходимлари тармоқ касабаси уюшма қўмитаси «Ўзметкомбинат» ИЧБ санаторий-профилакторийси бош шифокори М.Ботировга отаси **Ҳамиджон Ботировнинг** вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Туркистон-пресс».

ISHONCH
МУАССИСА:
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир хайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари - «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. **Навр кўрсаткичи:** 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий алади 14.002 нуска. Сотивуда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босма хонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.15